O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO
VILOYATI OLTINSOY TUMANI
HOKIMINING

QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

РЕШЕНИЕ

ХОКИМА
АЛТЫНСАЙСКОГО РАЙОНА

20 20 06 май № К-635 «___» _____ 20___ г.
20___ y «___»

Махсус техникалар оркали истеъмолчиларга тоза ичимлик суви етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194- сонли карори билан тасдикланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва окова сувни чикариш хизматлари кўрсатиш" Коидаларининг 118-банди ва "Махаллий давлат хокимияти тўғрисида"ги Конуннинг 6, 25-моддаларига мувофик, истеъмолчиларга махсус техникалар оркали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифларини белгилаш максадида

КАРОР ҚИЛАМАН:

1. Марказлаштирилган коммунал сув тармогидан таъминлаш имконияти бўлмаган пунктлар ахолиси (истеъмолчилари)га махсус техникалар оркали тоза ичимлик суви етказиб берилсин.

2. "Сувокава" МЧЖ рахбари туман филиали марказлаштирилган коммунал сув тармогидан таъминлаш имконияти бўлмаган пунктларга махсус автотранспорт ёрдамида ичимлик сувини етказиб берувчи масъул ташкилот килиб белгилансин.

3. Сурхондарё вилоят "Сувокава" МЧЖ рахбари туман филиали томонидан ахоли (истеъмолчилари)га махсус техникалар оркали тоза ичимлик суви етказиб бериладиган худудлар, ичимлик сувн микдори, муддати ва етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифлари нархларини тартибга солувчи орган билан келишилганлиги иловага мувофик тасдиклансин.

4. "Сувокава" давлат унитар корхонаси рахбари туман филиалига:

-ичимлик сувини белгиланган тартибда шартнома асосида махсус автотранспорт воситалари оркали ўз вактида, тўлик етказиб берилишини;

-истеъмолчиларга етказиб берилган ичимлик суви бўйича хисоб-китобларни белгиланган тартибда ва ўз вактида амалга оширилишини таъминлаш топширилсин.

5. Туман хокимлиги ахборот матбуот котиби рахбари, ва "Халк ва хаёт" газетаси тахририяти бош мухарири мазкур норматив хукукий хужжатни газета оркали чоп этилиши хамда туман хокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини, электрон шаклда бир кунлик муддатда ижрочиларга етказилишини ташкиллаштирсин.

6. Ушбу карорнинг бажарилишини назорат килиш туман хокимининг ўринбосари М.Очилдиев зиммасига юклатилсин.

Туман хокими А.Джумаев

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI OLTINSOY TUMANI HOKIMLIGI DEVON-XONA